Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил 13 февраль
ШАНБА
№ 14 (12858)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Аҳолига қулайлик

## ВИЛОЯТ ЙЎЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

**"Йўл азобини йўлга чиққанлардан сўра", деб бежиз айтишмаган. Йўловчилар яқин-яқингача пойтахтдан 130 километр узоқдаги Бекобод шаҳрига эски автобусларда қатнашдан кўра, қиммат бўлса ҳам таксиларда боришни афзал кўришарди. Энди аҳвол батамом ўзгарди. Бекободдан пойтахтга ҳар соатда қатнаётган яп-янги автобуслар йўловчиларга қулайлик яратди.**



Қўйлиқ шоҳбекатида савлат тўкиб турган автобусга чиққанимизда соат 9 эди. Ташқаридаги совуқдан қунишиб, ичкарига киришимиз билан илиқликни туйдик. Юмшоқ ўриндиққа ўтиргач, атрофни назардан ўтказдик. Йўловчилар мониторда кўрсатилаётган концертни берилиб томоша қилишарди. Ҳайдовчи ўрнатилган камера орқали йўловчиларни назорат қилиш имконига эга. 43 йўловчига мўлжалланган автобусда юклар учун ҳам алоҳида жой бор.

Кўп ўтмай автобус йўлга тушди. Енгил ҳаракатланаётган транспортда ашула эшитиб, теварак-атрофни томоша қилиб кетиш роҳатнинг ўзи. Равон йўллар, икки томонда қад ростлаётган замонавий турар жойлар, намунавий лойиҳадаги уй-жойлар, сокин, беғубор Тошкент денгизи, кенг интенсив боғлар, поёнсиз далалар юртимизнинг нақадар гўзал эканини кўз-кўз қилаётгандек гўё.

Икки ҳайдовчи автобусни галма-галдан бошқараркан. Йўл-йўлакай улар билан суҳбатлашиб кетдик.

– 26 йил ҳайдовчи бўлиб ишлаганимни ҳисобга олиб, ишонч билдиришди,– дейди Олимжон Маматраҳимов. – Бу қадар қулай автобусларни ҳайдаш тушимизга ҳам кирмаганди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2016 ЙИЛ 5 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2016 ЙИЛ 7 МАРТ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш куни 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 12 февраль.

*Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси*

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги X сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгаши раҳбарлари, вилоят сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хожимурод Эрматов олиб борди.**

## УЧТА ОКРУГДА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Сессияда кун тартибига қўйилган Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган 27-"Келес", 33-"Дўстобод" ва 58-"Ниёзбош" сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 27-«КЕЛЕС», 33-«ДЎСТОБОД» ВА 58-«НИЁЗБОШ» САЙЛОВ ОКРУГЛАРИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-"Келес", 33-"Дўстобод" ва 58-"Ниёзбош" сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш куни 2016 йил 13 март (якшанба) этиб белгилансин.
2. Тошкент вилояти сайлов комиссияси (У. Абдушоҳидов)га бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайловлар ўтказишни Қонун доирасида амалга ошириш топширилсин.

**Сессия раиси** **Х. ЭРМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 11 февраль.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Сессия раиси** **Х. ЭРМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 11 февраль.

Муносабат

## МАСЛАҲАТЛИ ИШНИНГ ОХИРИ ХАЙРЛИ

**Муҳтарам Президентимизнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузалари республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.**

Юртбошимизнинг раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятни унутмасликлари, аҳолининг жойлардаги ҳокимият идораларига ишончи йўқолишига йўл қўймасликлари, ишларни ҳозирги замон талаби даражасида ташкил қилиш учун фаоллар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб боришнинг афзаллиги, ҳақиқатга суяниб, адолатли иш юритиш, раҳбарга хос камтар, ирода ва инсофли бўлиш ҳақидаги чуқур маъно ва мазмунли фикрлари ҳаммада бирдек илиқ таассуротлар қолдирди.

Давлат ва жамоат ишларини маслаҳат билан бошқариш азалий одат бўлиб, буюк соҳибқирон Амир Темур шундай деганлар: "Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим. Ва салтанат ишларида тўрт нарсага – кенгаш, машварату маслаҳат, қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик, эҳтиёткорликка амал қилдим".

Бошқалар фикрини менсимаслик, улар билан маслаҳатлашмай, ўз раъйи билан иш юритиш охир-оқибатда раҳбарни хор қилиши айни ҳақиқатдир. Раҳбарнинг фазилати, қадр-қиммати, доно ва зийраклиги аввало, ижтимоий ҳаётга муносабатида, масъулиятни чуқур ҳис этишида намоён бўлади. Акс ҳолда жиноятлар содир этилиб, ходимлар шахсига тегиш, порахўрлик авж олади, одамлар билан муносабатда манманлик, ўзига бино қўйиш, кўполлик каби иллатлар иш услубига айланиб боради. Энг ёмони, раҳбар билан фаоллар ўртасида катта жар пайдо бўлиб, ўзаро ишонч йўқолади.

Ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис этиш, яхши-ёмон кунларда эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслаги, инсоний бурчи деб билиб, шунга амал қилган раҳбар ҳеч қачон қоқилмайди, халқ ишончини оқлаб, обрў-эътибор топади. Бироқ, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, "...Қаердаки, раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятни унутса, қаердаки, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ўша ерда иш орқага кетади, бундан қанча-қанча одамлар зарар кўради, энг ёмони, аҳолининг жойлардаги ҳокимият идораларига ишончи йўқолади".

Ҳақиқатан ҳам ишонч – одамларни ижод ва бунёдкорликка йўлловчи буюк куч. Орзу ва эзгуликларга қанот ҳам ишончдир. Одамлар ишончини йўқотмаган раҳбарларгагина эргашадилар.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**

## ҲАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИГА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛСА...

**Вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.**

(Давоми 2-бетда).



Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Эътироф

## СПОРТГА МЕҲР ҚЎЙИБ

**Мамлакатимизда ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун яратилган шароитлар яхши самара бераяпти.**

Уч босқичли спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари анъанага айлангани ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда қўл келаётир. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

### Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди

"Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти – "Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимида айтган ушбу теран маъноли сўзлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегишли Давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тасдиқланди. Унда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194 маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига "Гўзаллик салонлари", модалар ательеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шохобчаларини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига катталар ва болалар кийимлари берилади.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо этиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоятдаги (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари) болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, 38 туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғруқ мажмуаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, 11 оилавий поликлиника ҳамда 244 қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. Бундан ташқари, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаторийсини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илғор ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат-поликлиникаси ва операция блоки ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, жумладан, Республика перинатал маркази, вилоят перинатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, 13 вилоят болалар кўп тармоқли марказлари, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек, уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари моддий-техник базаси яхшиланади. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда 2016-2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 ҳудудий филиали, Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилади.

Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ультратовушли скринингдан ўтказиш, 13 скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационини сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 та шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чунончи, жорий йилда 5 мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар учун "Биз – мустақиллик фарзандларимиз" шиори остида тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил қилиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билимини бойитишга ёрдам беради.

Бўлажак оналар – қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида "Бизнес-клублар" ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун "Менинг бизнес ғоям" ва "Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи" мавзуларида ҳудудий ҳамда республика танловларини ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказларини, Тошкент вилоятидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги "Камолот" ёшлар боғини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебели, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади. 1,6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Давлат дастурига дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган.

Мухтасар айтганда, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

**ЎзА.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2016 йил 11 февралдаги қарорига ИЛОВА*

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркиби

**Вилоят сайлов комиссияси раиси**

**Абдушоҳидов Убайдулла Ҳикматович** – "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири

**Вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари**

**Маркаев Зокир Эшкулович** – Тошкент Давлат аграр университети кафедра мудири

**Вилоят сайлов комиссияси котиби**

**Шаймардонов Норсоат Расулович** – Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси директори

**Вилоят сайлов комиссияси аъзолари**

**Бобокулов Сирожиддин Суюнович** – вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Парпиев Убайдулла Аппакович** – вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Кадирханова Малика Акбаровна** – "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раиси

**Худойбердиев Фуркат Абдусаломович** – вилоят молия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Холмуродов Абдумажид Абдураимович** – вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув ва ер манбаларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

**Тоирбеков Камол Қизилбекович** – вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Собиров Шавкат Матрасулович** – вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

**Адилов Азиз Кучкарович** – вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

**Усманов Зайниддин Нуриддинович** – вилоят ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти бошлиғининг ўринбосари

**Мавлонов Бахром Абдувалиевич** – "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки вилоят филиали бошлиғи

**Гулямов Зиёдулла Убайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат инспекцияси Тошкент вилояти бўлими бошлиғи

**Худойберганов Алишер Ўткурович** – "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали бўлим бошлиғи

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тел/факс: 232-80-29.**

Аҳолига қулайлик

## ВИЛОЯТ ЙЎЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳайдовчи Мавлон Саидов бошқарувни шеригига топшириб, суҳбатга қўшилди:

– Йўловчиларнинг ҳам қувончлари чексиз. Илгари автобусга саноқли одамлар чиққан бўлса, ҳозир ҳар соатда юрса ҳам йўловчилар билан тўла.

– Янги автобусга чиқиш ва тушиш жуда қулай,– дейди пенсионер Лутфи ая Қодирова. – Ичи кенг, ўриндиқлари юмшоқ. Енгил автомашинадан ҳам енгил юради. Йўл ҳақи борадиган манзилимизга қараб, минг сўмдан 8 минг сўмгача. Айниқса, пластик карточка орқали тўлаш мумкинлигини айтмайсизми?!

Йўловчи билан гурунглашиб, икки соатда "Бекобод автобус саройи"га етиб келганимизни сезмай қолибмиз.

– Аввал автосаройимизнинг 16 та "Исузу" русумли автобуслари шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисига хизмат кўрсатарди, – дейди МЧЖ раҳбари Камол Ҳакимов. – Ўтган йилнинг декабрь ойи охирларида банк кредити ҳисобига Хитойдан келтирилган 12 та "Кинг-лонг" русумли автобусларини харид қилдик. Шундан 5 таси 15 январдан "Тошкент – Бекобод" йўналишида қатнай бошлади. Қолганларини "Тошкент – Самарқанд", "Бекобод – Самарқанд" йўналишларига қўйишни режалаштирганмиз.

Корхона раҳбарининг айтишича, ҳайдовчиларнинг муомаласи ва кийинишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар оқ кўйлак, қора костюм-шимда ишлайдилар. Негаки, автобусга чиққан йўловчининг кўзи биринчи навбатда ҳайдовчига тушади ва яхши таассурот қолдириб, кайфиятини кўтаради. Ҳозир ҳайдовчилар учун махсус иш кийими тиктирилаяпти. Бундан ташқари, автобусдаги камерага хотира ўрнатишмоқчи. Мақсад бирор йўловчи буюмини унутиб қолдирса, уни қийинчиликсиз топиш мумкин. Қолаверса, бу хавфсизликка ҳам хизмат қилади.

МЧЖ келажакда янги микроавтобуслар келтириш, буюртма бўйича ишлайдиган йўналишсиз такси хизматларини йўлга қўйишни режалаштирган.

Бекободга бир кунлик сафаримиз давомида ҳамма йўловчиларнинг юз-кўзларида чексиз қувончни кўрдик. Бу – Истиқлол берган имкониятлар самарасидир.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Маънавият

## АСЛИДА ҲАМ «СЕВИШГАНЛАР БАЙРАМИ»МИ?

Дўконда катта қизиқиш билан чиройли тилаклар битилган табрикномаларни танлаётган йигит-қизларга кўзим тушди.

– Мардон акамга шуниси ёқса керак, – деди қизлардан бири дугонасига.

– Ҳа, зўр экан, яна нимадир оласанми?

– Оламан, шамчироқ олсамчи, тўйдан кейин ўзимиз ишлатамиз, – дея хандон уриб кулди.

Унинг фикрини дугонаси ҳам маъқуллади. Нарироқда, эса бир йигит сотувчидан ўйинчоқ танлашда ёрдам беришни сўради.

– Қиз болага мана бу ёқармикан, – деди йигит ўнғайсизланибгина.

– Э, йўқ, бунисини олинг, "I Love you" деган ёзуви бор, севишингизни билдиради, – деди сотувчи.

Экспертларнинг фикрига кўра, 14 февраль куни эркаклар икки баравар кўп пул сарфлашар экан. Жаҳонга машҳур компаниялар такрорланмас маҳсулот ишлаб чиқариш устида бош қотиради. Шунингдек, ҳомиладорликнинг олдини олиш воситалари ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялардан бирининг маълумотларига кўра, 14 февраль куни савдо 20-30 фоиз кўтарилади.

Табиийки, айрим давлатларда "Севишганлар куни" деб кенг нишонланаётган бу кун аслида қандай байрам деган савол туғилади. У бизнинг ўзбекона урф-одат, анъана, умуман, менталитетимизга нечоғлик тўғри келади? Ахир ўзбек халқида ибо, ҳаё, уят каби тушунчалар бор...

Манбаларни кўздан кечирарканмиз, бу кун тарихи ҳақида бир-бирига ўхшамаган маълумотларни кўрдик.

Авлиё Валентин – насронийлар черкови шаҳид деб тан олган авлиёнинг исми бўлиб, ривоятларга кўра, уни милоддан аввалги 296 йилда Рим императори Клавдий II қатл этган. 350 йилда эса у қатл этилган жойнинг ўрнида унинг хотирасига бағишлаб черков қурилган. Авлиё Валентин халқни тинчлик ва севгига даъват қилган. Шунинг учун қатл қилинган, деган фикрлар бор. Шундан буён бу кун севишганлар байрами сифатида нишонланади. Ўша пайтдаги ақидаларга кўра, никоҳ ёшига етган қизлар исмларини қоғозга ёзиб, қутичага солишар, уйланмоқчи бўлган йигитлар эса қутичадан қоғоз танлаб, исми чиққан қизнинг хизматкорига айланишган. Бир йил ўтгач улар ё оила қуришган ёки яна қутичага мурожаат қилишган. Дин пешволари бу анъана ёшларнинг ахлоқига салбий таъсир кўрсатгани учун уни нишонлашни тақиқлашган. Бироқ, XVIII-XIX асрларга келиб, бу байрам яна нишонлана бошланди. Ғарб мамлакатларида Валентин китоблари чоп этилиб, уларда ишқий шеърлар, шунингдек, ишқий мактублар ёзиш, севги изҳор қилишга оид маслаҳатлар берилган.

Хуллас, севишганлар куни тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ, у қандай кун бўлишидан қатъи назар, гап бизнинг маънавиятимизга, маданиятимизга нечоғлик тўғри келишида. Фикримизча, бу байрам фаҳш ишларга замин яратади. Зеро, кўпчилик ёшларимиз "Европада шундай-ку", "Биз ҳам замонавиймиз", деб кимларгадир кўр-кўрона эргашиши ахлоқининг бузилишига туртки бўлади. Бинобарин, севишганлар куни кўплаб давлатларда турлича мазмун касб этади. Масалан германияликлар бу кунни ақлдан озганлар, японлар эса яланғоч эркаклар куни деб номлашади. Бизда-чи? Шуни билиш мақсадида вилоятимиз ёшлари орасида сўров ўтказдик. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти 14 февраль – бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни эканини айтишди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ҲАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИГА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛСА...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилиш Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева Кексаларни эъзозлаш йилида амалга оширилган ишлар ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида маъруза қилди.

Йиғилишда белгиланган 11 та йўналиш, хусусан, республика Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси, Хотин-қизлар қўмиталарининг халқаро муносабатлари ҳақида ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги лойиҳалар ижроси тўғрисида, оилавий, аёллар ва болалар спорти, хотин-қизлар қўмиталарининг фуқаролар мурожаати билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, вилоят Аёллар маслаҳат маркази, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, ёшлар, хусусан қизлар тарбияси, "Ораста қизлар", "Зумрадойлар davраси" тўгараклари фаолияти, хотин-қизлар бандлиги, коллеж битирувчилари, айниқса, қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, "Зулфия мукофотига номзодлар" танловига тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича шаҳар, туманларда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди. Бу борада айрим шаҳар, туманларда йўл қўйилаётган камчиликлар кескин танқид қилиниб, ўз вазифасига сусткашлик билан қараётган масъул шахсларга нисбатан чора кўриш алоҳида таъкидланди.

Келгусидаги ишлар самарадорлигини ошириш учун ижтимоий ҳамкорликни янада жонлантириш, "Оила, маҳалла, мактаб" тамойили, "Маҳалла", "Камолот", соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ички ишлар, бандлик маркази, банклар тизими билан яқин ҳамкорлик асосида иш олиб бориш зарурлиги уқтирилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Фотокўргазма

# СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ВАТАН!

**"Дўрмон" маданият саройида республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" мавзуида фотокўргазма очилди.**



Қарийб бир ҳафта давом этадиган фотокўргазманинг очилиш маросимида вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мазкур тадбирдан ижтимоий соҳаларда, жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги амалга ошираётган ишларни намойиш этиш, шунингдек, бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас динимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан кенг ўрин олаётганини тарғиб этиш фотокўргазманинг асосий мақсади эканини англаш мумкин.

Кўргазмага 100 дан ортиқ таниқли фотосанъати усталарининг ишлари саралаб олинди. Улар орасида Абдуғани Жума, Владимир Шлосберг ва Михаил Левковичларнинг фотолавҳалари иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдириши шубҳасиз. Айниқса, Абдуғани Жуманинг "Санъат завқ улашади", "Қорақалпоқ қизи", "Тенглар ичра тенг – Ўзбекистон", "Футбол жамоасининг ғалабаси", "Ўзбекистон белгиси"га сазовор бўлган ёшлар эртамиз эгалари", "Минор масжидининг тунги тароватти" каби фотосуратлар зийрак томошабинни мушоҳада юритишга чорлайди. Гўёки, ҳар бир фотосурат сўзлаётгандек.

Кўргазма экспозицияси асосан бунёдкорлик, маданият ва санъат, спорт, диний бағрикенглик каби мавзуларни қамраб олган. Уч бўлимдан иборат фотокўргазмани кузатар эканмиз, барча соҳаларда эришилган ютуқлар, ҳаяжонли дақиқалар суратларга муҳрланганининг гувоҳи бўлдик.

Биринчи бўлимда 25 йил давомида Президентимизнинг мамлакат шаҳару қишлоқларида бино ва иншоотларни бунёд этишда қимматли маслаҳат ва кўрсатмалари билан иштирокини акс эттирувчи фотосуратлар тақдим этилган. Шунингдек, замонавий иншоотлар билан уйғун ҳолда барча соҳаларда эришилган ютуқлар, Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, айниқса, ёш иқтидор эгалари, уларга яратилган шарт-шароитлар акс эттирилган фотосуратлар ҳам шу бўлимдан ўрин эгаллаган.



Иккинчи бўлимда Ватанимизнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари қизиқарли фотосуратларда ўз аксини топган. Уларда жаҳон спорт майдонларида истеъдоди ва юксак маҳоратини намойиш этаётган юрт фарзандларининг қиёфалари намоён. Бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари акс этган фотосуратлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Учинчи бўлимда "Диний бағрикенглик" мавзуидаги фотосуратлар она юртимизда тарихий ёдгорликларнинг обод қилингани, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ обида ва мажмуаларнинг қайта қурилгани, бир қатор масжид, мадраса ҳамда замонавий диний муассасаларнинг қиёфаси акс эттирилган.

Чиройли ташкил этилган тадбирда спортчи ёшларнинг чиқишлари ҳамда хонандаларнинг куй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

## ТАДБИРЛАР ТАДБИРЛАРГА УЛАНАВЕРАДИ

**Оҳангарон туманидаги "Мустақиллик" маҳалласи ғайрат-шижоатга тўла аҳолиси билан ажралиб туради. Маҳалла раиси бошчилигида ҳар ойда ўтказиладиган турли мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар, шахмат-шашка мусобақалари 11 та кўп қаватли уйда яшовчи 1545 аҳолини жипслаштирмоқда.**

Шуниндек, турли тарихий саналарга бағишланган байрам тадбирлари маҳалла назаридан четда қолмайди. Анъанага кўра, маҳаллада куни кеча шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб бобурхонлик кечаси ўтказилди. Маҳалла ёшларидан иборат болалар ансамблининг бадиий чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди. Хусусан, Бобур образини маҳорат билан гавдалантирган Асадбек Маҳкамовнинг чиқиши, болалар ижросидаги турли куй-қўшиқ, саҳна кўринишлари кечага алоҳида файз бағишлади. Фаол иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари улашилди.



– Маҳалладаги тадбирларда фаол бўлган, иқтидорли ёшларимизни рағбатлантириб борамиз, – деди маҳалла раиси Рихсигул Мадаминова. – Уларни ҳомийларимиз кўмагида пойтахтимиздаги Амир Темур музейига, ҳайвонот ва истироҳат боғларига, Тошкент денгизига саёҳатларга олиб борамиз. Шу каби хайрли тадбирлар бундан кейин ҳам давом этади.

**Нозима АРСЛОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ШЕЪРИЯТ ВА ТАФАККУР БАЙРАМИ

**Алишер Навоий асарларини мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи янги-янги маънолар хазинасига дуч келади. Унинг шоҳ асарлари асрлардан асрларга ўтиб, ўқиб ва уқиб келинаётганининг сири шунда.**

Буюк мутафаккир таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан "Дўрмон" маданият уйида "Навоий абадияти" назм ва наво кечаси бўлиб ўтди. Унда вилоят халқ таълими бўлими ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, шеърият шайдолари юртимизнинг таниқли шоир, адиб ва олимлари билан учрашдилар.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, филология фанлари номзодлари Султонмурод Олимов, Раҳимбой Жуманиёзов Алишер Навоийнинг ҳаёти ва умрбоқий асарлари ҳақида фикр юритишди. Ҳазрат Навоий асарлари асосидаги ғазалхонлик, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар кечага алоҳида файз бағишлади.

– Назм ва наво кечаси менда катта таассурот қолдирди, – дейди Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Маъмура Маҳамаджонова. – Пойтахтимизда қизғин фаолият юритаётган, барча қулайликлар ва катта китоб фондига эга миллий кутубхонадан муносиб ўрин олган Алишер Навоийнинг бой меросидан ҳали асрлар оша авлодларимиз баҳраманд бўладилар.

Вилоятимиз бўйлаб давом этаётган навоийхонлик кунлари шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирларга уланиб кетди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Нозима РАҲИМОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Нуқтаи назар

## ҚАЙНОНА – ОНА, КЕЛИН – ҚИЗ

**"Оила – муқаддас" деймиз. Шу боис никоҳни ҳам муқаддас десак хато бўлмас. Зеро, никоҳ эр-хотинни жисман ва руҳан яқинлаштиради, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, сир-асрорлари, дарду ғамлари, бахту саодатларини уйғунлаштиради. Ҳалол ва расмий никоҳ туфайли эр-хотин мақомини олган куёв ҳам, келин ҳам ўз ҳақларини ва зиммаларидаги вазифаларини аниқ билиб олиб, шунга амал қилишса, оила тинч ва саодатли бўлади.**

Аёл оиласининг ҳаловати, хонадони тинчлигида асосий масъулият ўз зиммасида эканини унутмаса, уй-ҳовлисини озода тутишга аҳамият берса, рўзғор ишларини яхши эпласа, эри ундан рози бўлади ва ҳаёти ширин ўтади. Оила тотув бўлиши учун уй бекаси зиммасидаги ишларини ўрнида бажармоғи лозим. Хусусан, қайнона-келин муносабатлари долзарб мавзулардан саналади. Айрим қайноналар диёнатни унутгани боис фақат ўзини ўйлаб, арзимаган сабаб билан навниҳол келинни ноҳақ айблайвериб, ёш оилани пароканда қилади. Баъзи оналар: "Қизим бировнинг хонадонига келин бўлиб борса, қийналмасин", деб рўзғор ишларини икир-чикирларигача ўргатишади. Ундай келиндан қайнота-қайнона барака топади. Айрим оналар эса, уй ишларини ўзлари бажариб, қизларини эркатой қилиб ўстиришади. Оқибатда қиз рўзғор ишларига уқувсиз бўлади. Омади келиб, у тушган хонадондаги қайнона тоза қалбли, оқила аёл бўлса-ку, яхши. Билмаганини ўргатиб, ўз қизидек кўриб, тарбиялаб олади. Аммо акси бўлса-чи?.. Орзу-ҳаваслар билан келин бўлган қиз уч-тўрт ойдан кейин ота-онасиникига қайтиб боради.

Муҳтарама қайноналар ўзлари танлаб туширган келинлари уйига кетиб қолса, уларнинг ҳам айби. Доно халқимиз: "Яхши гап билан илон ҳам инидан чиқади..." дейди. Демак, қайнона муроса қилишда, келиннинг кўнглига йўл топишда хато қилган. Келинни қанчалик ёмонламасинлар, барибир у ёш, ғўр, ҳаёт машаққатларини бошидан ўтказмаган. Шу боис ҳамма айбни унга эмас, балки қайнонага юклайди. Оқибатда улар эл назаридан қолиб, обрўлари кетади.

Айрим йигит-қизлар бир-бирини ёқтириб, турмуш қуришади. Кўп вақт ўтмай, турмуш ташвишлари бошланади. Бунга сабаб... Келин-куёв бир-бирига меҳрли бўлишса ҳам, келиннинг шевасини, одатларини қайнона ёқтирмайди. Ваҳоланки, ўғли ёқтирганини келин қилган қайнона сабр-бардош билан, уни ўз қизидек кўриши лозим. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ демай, яхши ишларини мақтаб, кўнглини кўтариб, билмаганларини мулойимлик, ширинсўзлик билан ўргатиб борса, меҳрибонлик қилса, келин ҳам қайнонани онасидек кўради.

Қайнона ўзининг қизи ҳам вақти келиб бегона хонадонга келин бўлишини унутмаслиги лозим. Қизига қайнонаси ёмон муомала қилса, она ҳам қийналади, сиқилади, қудасидан хафа бўлиб, боласига ачинади. Ўз қизига ачинган аёл, келинини ҳам тушуниши керак.

Оиланинг бахти барқарор бўлиши оила аъзоларига боғлиқлигини биламиз. Айниқса, катталарнинг оқиллиги, қайноналарнинг мулоҳазалилиги оилада тотувлик ва барака бўлишини таъминлашини ҳам унутмайлик.

**Қамариддин ҚАМБАРОВ,**
**Янгийўл тумани "Хонтўраҳожи" жоме масжиди имом-хатиби.**

Эътироф

## СПОРТГА МЕҲР ҚЎЙИБ



Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасидаги кенг қамровли ишларни кўплаб мамлакатлар тажриба сифатида ўрганаётир. Мамлакатимизда тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ёшларнинг спортга қизиқиши ва меҳрини айни болалик даврида уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг доимий ҳамроҳига айланишига эришиш мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбари куни кеча Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, "Спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларимиз, ёшларимизнинг соғлом қарашларини шакллантиради ва иродасини тоблайди, уларнинг мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратади. Энг муҳими, спорт билан дўст бўлган болалар биз учун мутлақо бегона ва зарарли оқимларга қўшилиб кетмайди".

Шаҳару қишлоқларда бунёд этилган шундай замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда. Натижада, ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Юксак марраларни кўзлаётган йигит-қизларнинг ғалабаларига шоҳид бўлаётган болалар, ҳатто, ота-оналари қалбида ҳам спортга меҳр уйғотмоқда. Хусусан, ўтган йили юртимиздан 1668 спортчи, жумладан, 567 қиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритди. Бундай ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў ва нуфузини янада юксалтираётир.

Жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар орасида вилоятимиз ўғил-қизлари ҳам борлиги қувонарлидир. Вилоятимизда моҳир спортчиларни тайёрлаш, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилиб, спортга ихтисослашган таълим муассаларининг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида мустаҳкамланмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалидан маълум қилишларича, 2003-2015 йилларда пойтахт вилоятида 150 дан зиёд болалар спорти иншооти қурилди. Бултур олтита мактабнинг спорт зали, учта мусиқа ва санъат мактаби, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси янгидан қурилиб, замонавий анжомлар билан таъминланди. Мазкур таълим даргоҳларида меҳнат қилаётган 2400 дан зиёд юқори малакали мутахассис қарийб 86 минг ўғил-қизга спортнинг 40 туридан сабоқ бермоқда. Бу саъй-ҳаракатлар зое кетмаяпти. Вилоят спортчи ёшларининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионларидир. Велоспорт бўйича икки карра Осиё чемпиони Муроджон Холмуродов, белбоғли кураш бўйича Жаҳон чемпиони Искандар Маҳаматов ва Шаҳриддин Хайриддинов, таэквондонинг ITF тури бўйича Осиё чемпиони ака-ука Элшод ва Дилшод Мадаминовлар шулар жумласидан.

Шунингдек, ёшлар, айниқса, хотин-қизларни спортга янада кенг жалб этиш мақсадида "Соғлом қизлар – соғлом келажак пойдевори" шиори остида турли спорт фестиваллари ўтказилаётир. Бугунги кунда спорт билан мунтазам шуғулланувчиларнинг қарийб 31 минг нафари хотин-қизлардир.

Қизларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида аёл мураббийлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада, вилоятда аёл ўқитувчи-мураббийлар 600 дан ошди. Уларнинг қарийб 65 фоизи олий маълумотга эга.

– Мактабимизда болалар каратэ, бадиий гимнастика, стол тенниси каби спортнинг ўнлаб тури билан мунтазам шуғулланмоқда, – дейди Олмалиқ шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Баҳодир Аҳмедов. – Уларнинг сафи кенгайиб бораётир. Бу шароитлар тобора яхшиланаётгани, спортнинг тез оммалашаётганидан далолатдир.

Ўтган йили мактабнинг 33 тарбияланувчиси мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган турли мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олди. Бу ерда шуғулланаётган болаларнинг 270 нафардан зиёди қизлардир. Улардан бири, ёш бадиий гимнастикачи Юлдуз Сувайдуллаева 2014 йилнинг ёзида Москвада ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

– Бадиий гимнастика билан тўрт йилдан буён шуғулланиб, бир неча бор вилоят, мамлакат чемпиони бўлдим. – деди у. – Ҳозирги вақтда навбатдаги халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўраяпман.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зарур спорт жиҳозлари билан таъминлаган мазкур мактаб бугун сузиш, сувга сакраш, стол тенниси каби кўплаб спорт сирларини ўрганишга чанқоқ олмалиқлик ёшларнинг севимли масканига айланган. Ҳозир бу ерда 1300 дан зиёд ўғил-қиз маҳоратини оширмоқда. Уларнинг аксарияти Юлдуз сингари турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган ўспиринлардир. Саид Толибоев, Хумора Йўлдошева, Равшан Турдибоев, Муҳаммадали Усмоналиев каби ўнлаб ўғил-қизларнинг вилоят, мамлакат, қитъа ва жаҳон биринчиликларида шоҳсупага кўтарилишаётгани бунга мисолдир.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

XXI аср ва дунё

### ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИНГ МИЯГА ТАЪСИРИ

**Ўрта ёшли одамнинг жисмоний фаолсизлиги 20 йил давомида мия ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилиши мумкин, дейилади неврологияга оид журналлардан бирида босилган америкалик тиббиётчилар мақоласида.**

"Тадқиқотлар давомида шу нарса аниқландики, – дейди Бостон университети ходими Николь Спартано, – кам ҳаракат кишининг мияси ўн йиллар давомида кичрайиб, унинг тез қаришига сабаб бўлади".

Тиббиёт ходимлари ўртача 40 ёшлар атрофидаги 1583 кишини тадқиқотга жалб этиб, синаб бордилар. Аввалига, кўнгилли кишиларнинг юрак хасталигига чалинмаганлигига ишонч ҳосил қилинди. Сўнг 20 йил давом этган тадқиқот жараёнида уларнинг саломатлигини кузатиб боришди. Натижа шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия билан суст шуғулланган кишиларнинг мия ҳажми фаол кишиларникига нисбатан 20 йил давомида анча кичрайган. Шу боис тиббиёт ходимлари ўрта ёш кишиларга спорт билан тез-тез шуғулланиб туришни тавсия этдилар.

### БУТУН БОШЛИ КЎЛ БУҒЛАНИБ КЕТДИ

**Катталиги жиҳатидан Боливияда иккинчи ўринда турувчи Поопо шўрланган кўли бутунлай буғланиб кетди.**

Экспертларнинг таъкидлашига қараганда, кўл анча саёз бўлгани ҳамда иқлим шароити беқарорлиги оқибатида шундай ҳодиса юз берди. Аммо, Боливияда бундай воқеа иккинчи бор қайтарилиши. 1994 йилда ҳам шундай ҳол юз берганди. Бироқ, ўшанда бутунлай қуриб қолган Титикака кўли орадан маълум вақт ўтиб, яна қайта сувга тўлган эди. Бу гал эса экспертлар агар Поопо кўли ҳам қайта сувга тўладиган бўлса, бу жараён узоқ йиллар давом этиши мумкинлигидан хавотирдалар.

Мутахассислар кўлларнинг қуриб қолишини кескин иқлим ўзгаришлари ҳамда маҳаллий тоғ-кон саноати чиқиндилари кўпайиб бораётгани билан боғламоқдалар. Шунингдек, кейинги вақтда ёмғир ёғмай, минтақада қурғоқчилик ҳукм сураётгани ҳам чуқурлиги нари борса 4 метрга етадиган саёз ва бунинг устига шўрланган кўлнинг қуришига сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

### ҒАРБИЙ ЯРИМШАРДА ЗИКА ХУРУЖИ

**Финляндиянинг Аҳоли саломатлиги ва ижтимоий ҳимоя миллий институти ўтган йилнинг ёзида Зика вируси биринчи бор пайдо бўлганини аниқлаган эди.**

Ўшанда ушбу хавфли касаллик дастлаб Бразилияда хуруж қилгани қайд этилганди. Финляндияда яқинда яна бир киши ушбу вирусни юқтириб олгани маълум бўлди.

Ахборот манбаларининг хабарига кўра, финляндиялик киши ўтган йилнинг ёзида Малдив оролларига ташриф буюрганда хавфли вирусни юқтириб олган эди. Яқинда маҳаллий тиббиёт ходимлари Финляндиянинг яна бир фуқароси ушбу вирусни юқтирганини аниқладилар. У ҳам Лотин Америкасида саёҳатда бўлиб қайтган экан.

Бу орада Британияда ҳам шу йилнинг ўзида ушбу касалга чалинган тўртта фуқаро аниқлангани ҳақида хабар қилди Reuters агентлиги. Мамлакат соғлиқни сақлаш агентлиги профессори Дайлис Морганнинг таъкидлашича, бу ҳам Лотин Америкасида тарқалган касаллик билан боғлиқ. Аслида, Зика вируси биринчи марта 1947 йилда Уганда мамлакатида аниқланган эди. Кейинчалик бу вирус Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка ҳамда Тинч океани минтақаларига тарқалганди.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти шу йил 1 февралда Зика вирусининг бутун дунёга таҳдидини тан олиб, унга қарши курашиш учун махсус бўлим ташкил этди. Ушбу ташкилот Эбола безгагига қарши ҳам шундай чора қўллаган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5109. Адади 14062. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.15.